



Захириддин Мухаммад Бобур подшоҳнинг панневараси Абу Зафар Мухийиддин Мухаммад Аврангзеб (тахтбезаги) Оламгирнинг кизи. Унинг онаси Дилрасбону Шохнавозхоннинг кизи бўлиб, Бобурнинг Гулбадан бегим исмли кизига бориб туташади. Зебуннисо бегим (1048 хижрий йил шаввол ойи) 1639 йил милодий, феврал ойида Дехлида тугилган. Унинг отаси Аврангзеб (1618—1707) ёшлигиданок диндорлиги билан ном чиқарган эди. У риёкорлик билан «умримни ибодатда ўтказмок учун Маккага бориб, бу дунё ишларидан кўл юваман», деб юрар ва оддий халкка ўзини авлиё килиб кўрсатарди. У отаси Шох Жахон (шахзода Хуррам) кўл остидаги Декан вилоятининг ҳокими эди. Аммо Шох Жахонга қарши бир неча марта исёнлар кўтаради. Нихоят, 1657 йилда, отаси Шох Жахоннинг қасаллигидан фойдаланиб, катта акаси Доро Шукухни ҳокимиятдан азл қилмок учун кичик акаси Шох Шужў ва укаси Мурод Бахшлар билан иттифок тузади. 1658 йилда акаси Доро Шукухни асирга олгач, отаси Шох Жахонни ҳам тахтдан тушириб, қасрда маҳбусликда сақлайди. Кўп ўтмай укаси Мурод Бахшни ҳам ушлаб зиндонга ташлайди ва ўша ерда бўғиб ўлдиртиради. Кичик акаси Шох Шужў дарбадарликда Бирма тупроғига ўтиб, ўша ерда бутун оила аъзолари билан бирга қароқчилар кўлида ўлиб кетади. Катта акаси Доро Шукухни динсизликда айблаб, зиндондан олиб чиқади ва шаҳар майдонида бошини кестиради. Ўша куниёқ Доро Шукухнинг қесилган бошини лаганга солиб маҳбусликда ётган қасал отаси Шох Жахон олдига қиритади. Шох Жахон эса маҳбусликда саккиз йил йиглаб-йиглаб кўзи кўр бўлиб, оламдан ўтади.

Аврангзеб Куръонни ёд билар, талайгина шеърларни ёддан ўқир, ўзи ҳам шеър ёзарди. Аммо қаттиқкўл, бировнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган, қон тўкишни оддий бир зарурат деб билувчи тошбағир бир киши эди. У қирк тўққиз йил ҳукмронлик қилиб, 1707 йилда 89 ёшида Ахмадобод шаҳрида вафот этади. Аврангзеб кўп йиллик ҳукмронлик даврида ота-боболарига ўхшаб меъморлик, адабиёт ва санъатнинг ривожини учун қайғурмади. «Тазкират ул-хавотун»да айтилишича, Аврангзебнинг беш ўғли ва беш кизи бўлган. Ўғиллари: Мухаммад Султон, Муаззам Шох (кейинчалик Баходир Шох), Аъзам Шох, Мухаммад, Амин Ком Бахш; қизлари — Бадринисо бегим, Зебуннисо бегим, Зийнатнисо бегим, Зубдатнисо бегим ва Мехринисо бегимлардир.

Зебуннисо бегим ўз замонасининг фозила аёлларидан Хафиза Марям Бону кўлида савод чикарган. Отаси Зебуннисонинг шоирлик истеъдодини пайкаб, унга ўз даврининг етук оимларидан Мулло Мухаммад Ашраф Исфahоний ва Мулло Жовонни муаллим килиб тайинлайди. Зебуннисо бегим забардаст шоира, етук оима, уста танбур чертувчи созанда ва мохир хаттот бўлиб етишади. Араб-форс тилларининг сарфу нахв (морфология ва синтаксис)ини, фикх (конуншунослик), мантик, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштиради. у настаълик, накш ва шикаста хатларини зўр махорат ила битган. Куръонни бир неча маротаба хуснихатда кўчирган ва ёддан кироат билан ўқиган. Зебуннисо бегим араб ва форс тиллари сарфу нахвини эгаллаб, шу тилларда ҳам ижод килди.

Зебуннисо бегим оимларга, шоирларга ва санъат ахлларига хомийлик кўрсатиб, уларга маош тўлаб турган. «Олами Ислом» тазкирасидаги «Зебуннисо бегим отаси ҳукмдорлик билан козонолмаган шухратни илм ва одоб билан козонган» жумлалари фикримизни тасдиқлайди.

Зебуннисо бегим бир катор шогирдпешаларни илм-маърифат, одоб ва газалиёт бобида тарбиялаб, камолотга етказган, Шаркнинг машҳур шоири Мирзо Абдукодир Бедил ўз кизини Зебуннисо бегим тарбиясига топширган. Натижада у шоирлик даражасигача етишган. «Мунтахаб ат-таворих» ва бошқа асарлардаги байт Мирзо Бедил кизига нисбат берилган:

Ёрам маро бахонайи танхо нишонду рафт,
Гуфтам, ки ман губорам, доман фишонду рафт.

Мазмуни: Ёрим мени ёлғиз ташлади-ю, кетди, хатто йўлингда губорингман десам ҳам этагини кокди-ю кетди.

1922 йилда чоп этилган «Кобул» журналининг 10-сонида Зебуннисо бегим хакида шундай маълумот учрайди: «Зебуннисо бегимнинг чиройли бир девони бўлган. Яна тасаввуф фалсафасига оид «Мунис ул-арвоҳ» асари ҳам бор. Тафсир соҳасида 769 варакли «Зеб ат-тафсир» («Ўзал тафсирлар)ни ёзди. Бундан ташқари илоҳиётга доир «Зеб ан-нашаот» номли асар ёзиб, уни устози хотирасига бағишлади. Хиндистон мусулмонлари орасида дастуруламал бўлиб қолган «Фатавойи оламғирий» («Шариат қонунлари мажмуаси») асарини форс тилига таржима ҳам қилдирди». Қўриниб турибдики, Зебуннисо бегим ўз замонасининг оқила ва зукко кизи, ўша муҳитнинг барқамол зиёлиси эди.

У отаси шох Аврангзеб Оламғирнинг яқин маслаҳатчиси эди. Лекин Зебуннисо бегим маслаҳатларининг ҳаммаси ҳам шохга маъқул бўлавермаган. Айниқса, адолат ва маърифат бўйича берган маслаҳатлари, эркин фикрлари шохга ёкмаган.

Зукко оима, хассос шоира бўлмиш ўзаллар ўзали Зебуннисо бегимга умр йўлдоши бўлишни истаган кишиларнинг сон-саногии бўлмаган. Бирок, Зебуннисо бегим уларнинг ҳеч бирини ўзига муносиб топмаган. Зеро, Зебуннисо бегимга илҳак бўлганларнинг аксари шахзодалар, амирзодалар, бекзодалар ва йирик мулкдорлар эди. Ўз замонасининг шоирларидан ҳам Зебуннисо бегимга ёстикдош бўлишга орзумандлар кўп бўлган.

Кўпгина тарихий асарларнинг гувоҳлик беришича, Зебуннисо бегим ёшлигида Оқилхон Розий исмли шоиртабиат бир йигитга қўнгил қўяди. Оқилхон Розий ҳам Зебуннисо бегимга ишқий мисралар йўллаб турган. Шох Аврангзеб ошқ-маъшукнинг махфий

учрашувларидан хабар топгач, уларни таъкиб остига олади. Ривоятлардан бирида айтилишича, кунлардан бир кун Зебуннисо бегим билан Окилхон Розий богда учрашиб турганларида бокка шох Аврангзеб кириб келади. Дархол ошик-маъшуклар ўзларини панага оладилар. Окилхон шохнинг газабидан чўчиб, беркиниш учун бирор панарок жой излайди. Иттифоко, богнинг бир четидаги катта зиёфатлар учун казилган ерда ўчокка ўрнатилган катта дош козон мис копкоги билан турарди. Окилхон ана шу козон ичига тушиб олиб, устидан копкогини ёпиб олади. Албатта, унинг бу шошилини харакати шох Аврангзебнинг назаридан четда колмайди. Шох Аврангзеб кизи Зебуннисо бегимга богдан чикиб кетиш хакида амр килгач, тўгри юриб келиб, дош козон копкоги устига чиқади

ва баковулни чакириб, ўчокка олов ёкишни буюради. Ўчокка олов ёкилгач, козон кизийди. Копкок остидан жизганак хид билан тутун чиқади-ю, аммо хеч кандай нидо эшитилмайди. Аврангзеб копкокдан тушиб, баковулга козон копкогини очишни буюради. Копкок очилганда козон ичида ярим корайган Окилхоннинг жасади кўринади... Бенгал классик адабиётининг билимдони ва хозирги замон бенгал адабий тилини яратувчиларидан бири Бонкимчондор Чоттопаддхайнинг (1838—1894) «Радж Сингх» номли тарихий романида Зебуннисо бегимнинг севган махбуби Окилхон Розий — Муборак Али номи билан талкин килинади. Муаллифнинг хикоя килишича, Муборак Алининг Зебуннисо бегимни яхши кўриши ва усиз яшай олмаслигини ўз огзидан эшитган шох Аврангзеб Муборак Алини ушлатиб, махсус жазога мустахик килади. Муборак Али олдига кўз ойнакли илон (кобра) солинган иккита темир кафасни келтириб кўядилар. Муборак Али бу жазонинг тартибларини аввалдан биларди. Чунончи, бу дахшатли жазодан кутулишнинг чораси йўклигига ишончи комил бўлгани туфайли, ўлимни бўйнига олиб, дархол этикни ечиб, оёгини кафасга якинлаштиради. Газабланган илон яшин тезлигида оёкни тишлайди. Муборак Али дахшатли огрикдан инграб, жаллодга бокади. Жаллод илон захрининг зўрлигидан юзлари кўкара бошлаган Муборак Алига караб, иккинчи кафасга ишора килади. Кондага мувофик, биринчи кафасдаги илон чаккан оёкни иккинчи кафасдаги илонга ҳам чакдириш лозим эди. Бундан мақсад, биринчи кафасдаги илон яхши чака олмаган бўлса ёки етарли даражада захари бўлмаган бўлса, иккинчи кафасдаги илон меъёрига етказарди. Бинобарин, Муборак Али яраланган оёгини иккинчи кафасга тегизади. Шу лахзада илон чакиб, хушдан кетади ва оламдан ўтади.

«Тазкирати шоироти урду»да накл килинишича, Окилхон Розийни катл килаётганларида, у куйидаги газални ўқиган экан:

Баъдаз мурдан зи жафойи ту агар ёд кунам,
Аз кафан даст берун орам ва фарёд кунам.

Мазмуни: Агар сенинг жафоларингни эсласам, ўлганимдан кейин ҳам кафандан кўлимни чиқариб, фарёд чекам.

Юкоридаги ривоятлардаи кўриниб турибдики, Зебуннисо бегимнинг хар холда севган кишиси бўлган. Аммо шох Аврангзеб бу йигитни ўзига куёв килишдан ор килиб, унинг бўйнига тухмат тошини осиб, катл килдирган.

Окилхоннинг ўлимидан сўнг, Зебуннисо бегим калбида янги ёр учун ўрин колмайди. У поёнига етмаган ишкни достонини куйлаб ўтади. Зебуннисо бегим камтарлик ила ўзи хакида куйидаги мисрани ёзган:

Хар матоеро харидор аст дар бозори хусн,
Пир шу-д Зебуннисо ўро харидоре нашуд.

Мазмуни: Хусн бозорида хар матога бор харидор, аммо Зебуннисо кариди-ю унга харидор топилмади.

«Олами Ислон»-да ёзилишича, эрон шахзодаларидан бири Зебуннисо бегимнинг хусн-латофатда танхолигини эшитиб, уни гойибона севиб колади. Унинг фиристода куйиб, ошикона газаллар ёзиб, улардан бир мисрани Зебуннисо бегимга юборади.

Туро, эй гулбадан, бепарда дидан орзудорам,
Латофатхони хуснатро расидан орзудорам.

Мазмуни: Эй гулбадан, сени пардасиз кўриш, хусну латофатларингга етишиш орзусидаман.

Бунга Зебуннисо бегим куйидаги жавобни ёзади:

Булбул аз гул бигузарад гар дар чаман бинад маро,
Вутпарастии кай кунад гар барахман бинад маро?

Дар суҳан пинҳон шудам монанди бӯ дар барги гул,
Майли дидан харки дорад, дар суҳан бинад маро.

Мазмуни: Агар булбул мени чаманда кўрса, гул баҳридан кечарди, агар барахман мени кўриб колса, бутга сажда килмасди. Гул ўз хидини япроклариға яширгандай, мен ҳам сўзда яширинганман, кимнинг хоҳиши меини кўрмок бўлса, мени сўзда кўрсин.

Бу байт Зебуннисо бегимнинг Эрон шахзодасига моҳирона берган жавоби эди.

«Хунари ва мардум» (Эрон) ойномасида ҳикоя килинишича, Аврангзеб Оламгирнинг етти вазири бўлиб, шулардан бири Окилхон Розий эди. У ёш, шўх, етук суҳандон, шоир табиатли ғиғит бўлган. Тақдир тақозоси билан Зебуннисо бегим Окилхон Розийни ёктириб колади. Ниҳоят, хар икки дилдор бир-бирлари билан махфий равишда учрашиб, аҳду паймон киладилар. Аммо шох Аврангзеб кизи Зебуннисо бегимни унча-мунча одамға раво кўрмас, шахзодалару, аслзодалардан куёв килишни ниёт киларди. Зебуннисо бегим билан Окилхон Розий кўпинча бир-бирлариға мушоира тарзида шеър ёзишиб, сўзлашардилар. Уларнинг бир-бирлариға кўнгил кўйганлари ва махфий учрашувлари ҳасадчи ва игвогарлар назаридан четда колмади. Улар бу воқеани шох Аврангзебға етказадилар. Шох Аврангзеб аввалиға каттик газабланади ва Окилхонға нисбатан жазо чорасини кўллашни ўйлайди. Бирок, ҳабарчилар келтирган миш-мишдан бошқа кўлда амалий далил-исбот йўклиги туфайли, жазони бир оз кечиктиришға қарор килади. Зеро, бу соҳада Аврангзеб узокни ўйлаб иш тутайди. Чунки Окилхонға бериладиган жазонинг бир учиди ўзининг суюкли кизи Зебуннисо турарди. Шунинг учун жазо беришда шошилмасдан, аввал уларнинг ҳатти-ҳаракатларини текшириб кўришға жазм килади ҳамда вазирлариға куйидагича кўрсатма беради: хар бир вазир бир кеча-кундуз, яъни 24 соат давомида саройда бўлиши керак. Ҳафтанинг етти кунини етти вазириға тақсимлайди. Ушбу тақсимотда Окилхонға ҳам бир кечаю кундуз саройда салтанат ишлари билан шугулланишға фармон беради. Ўз-ўзидан маълумки, Окилхон навбатчилик киладиган тунда Зебуннисо бегим билан Окилхоннинг дийдор кўришмаклариға имкон

тугиларди. Аммо, шох Аврангзеб ўзининг вокеанависларини (жосус) йигиб, шу бир ҳафта давомида кечаси-ю кундузи Окилхон Розинппг хатти-ҳаракатидан вокиф бўлишни ҳамда ким билан нима ҳақда сўзлашганини назардаи кочирмасликни тайинлайди. Окилхон Розий фаҳм-фаросатли, ҳар ишнинг окибатини ўйлайдиган ақлли йигит эди. У навбатчилик шохга нима учун зарур бўлиб колгани сабабини фаросат юзасидан ўйлаб топади. Ишнинг окибати яхши бўлмаслигига кўзи етган Окилхон ўзини касалликка солиб, ўша кун ва тун ўз манзилидан ташқарига чикмайди. Зебуннисо бегим эса Окилхон Розийнинг навбатчилик кечасини зўр иштиёк ва сабрсизлик билан кутади. Зеро, ўша кеча маҳбубининг висолини кўришга мушарраф бўлишдан умидвор эди... Зебуннисо бегимнинг ҳаёт йўли афсонавий воқеаларга бой. Унинг насли ота тарафидан ҳам, она тарафидан ҳам Бобур подшоҳга бориб туташади. Демак, шох кизи, боз устига ақл ва идрокда тенгсиз, юксак шеърый истеъдод соҳибаси, назм мулкининг маликаси, маликалар ичра гўзали... Зебуннисо бегим хусну латофат ва малоҳатда беназир, фазилатда бекиёс бўлса-да, ўзининг 63 йиллик умри давомида ўзига муносиб, ҳамдард ёр топа олмади. У 1702 йилда 63 ёшида Дехлида вафот этди. Уни Дехлидаги «Зарзарий» қабристонида дафн қилишган. «Олами Ислом»да ёзилишича, Зебуннисо бегимнинг вафотига бағишлаб, абжад ҳисобида қуйидаги газал билан таърих ёзганлар.

Ох, Зебуннисо ба ҳукми казо ногаҳон аз нигоҳ маҳфий шуд.
Манбаи илму фазл ва хусну жамол, Ҳамчу Юсуф бачох Маҳфий шуд.
Соли таърих аз хирад жустам, гуфт хотиф ки моҳ Маҳфий шуд.

Мазмуни: Ох, Зебуннисо, казо ҳукми билан ногаҳон кўздан яширинди. Илму фазл ва хусну латофат манбаи Юсуф қаби чоҳга яширинди. Таърих (вафот) йилини ақлдан кидирдим, ой яширинди деб гойибдан овоз келди. Газалда «Зебуннисо бу ҳукми казо» таърихи бўлиб, араб алифбосида ҳарфларнинг раками 1132 ни ташкил қилади. Унда «зеб» ҳарфлари— 19 дир, демак 1132дан 19 ни олиб ташланса, 1113 қолади. Бу сон хижрий йилда Зебуннисо бегимнинг вафот қилган йилидир. Хижрий 1113 йилни милодийга ўғирилса — 1702 йил қелиб чиқади.

Тургун Файзиевнинг “Темурий маликалар” китобидан олинди.